

UNREAD PAGES OF THE LIFE STORY OF UZBEKS ABROAD ...

Xolmirzaev X. D.

Candidate of Art History, Associate Professor of the “Culture”
Cafe of TSPU Named After Nizamii.

Halimmetova Rohatoy D.

Senior Teacher of the Tashkent branch of SamVMI

RESUME

Usually, when it comes to the nation and the people, it has become customary to think about the measures taken to preserve the national values and national identity living in their historical homeland.

However, when it comes to our compatriots, for various reasons, separated from their homeland, there are still signs of some anxiety and lack of clarity of thinking, just like yesterday, because of the bitter lessons of the past.

Today Uzbekistan, like many other spheres, is facing the world in the social, cultural and spiritual spheres. In particular, the public fund "Vatandoshlar (Compatriots)" was created to establish close cooperation not only with the multinational population living in our country, but also with compatriots living abroad.

Keywords: Motherland, compatriot, nation, people, interethnic relations, integration, tolerance, tolerance, nation, culture, spirituality, history, ethnos, alien, alienation, belonging.

КИРИШ

2021 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев “Ватандошлар” жамоат фондини ташкил этиш тўғрисидаги қарорни имзолади.

Мазкур Қарорда “Хорижда истиқомат қилаётган ватандошларни тарихий Ватани атрофида янада жипслаштириш, уларнинг қалби ва онгида юрт билан фахрланиш туйғусини юксалтириш, миллий ўзликни сақлаб қолиш, ватандошлар ва улар томонидан тузилган жамоат бирлашмаларини қўллаб-қувватлаш, турли соҳаларда фаолият юритаётган ватандошларимизнинг салоҳиятини мамлакатимиз тараққиётига самарали йўналтириш мақсад” қилинган [1].

Ушбу қарорни ўқиб, хурсанд бўлиш, ёки қувонишни ҳам билмасдим, чунки ҳаёлларим ўтмиш хотираларига етаклаган эди. Ўтган асрнинг 70- йилларида отам томондан Раҳимахон бувим яшириб намоз ўқир, ибодат сўнгида узоқ дуо қиларди. У, аввало юртга тинчлик-хотиржамлик, Парвар-дигордан элга соғлиқ-саломатлик ва ризқ-насиба баракот сўрарди. Шундан сўнг Тўхтаҳон исмли синглисини ҳақиқа дуо қилар “ҳаёт бўлса мусофирда мушкилини осон қилгин, ўтган бўлса охиратини обод қилгин”-дея Яратганга илтижо қиларди. Бувимнинг дуосида айтган сўзларини маъносини чуқур англаб етмасамда, айрилиқда бўлган яқинларга қарата айтилишини ҳис қилардим. Биз набиралар бу тўғрисида сўрамасдик, бефарқликдан эмас, аввало бувимнинг эски дардини тарнамаслик, қолаверса бирор тайинлик жавоб олмаслигимизни билардик.

Эсимда бувим, ҳаётининг сўнги кунларида синглиси исмини ошкора тарзда тез-тез тилга олар, худди ҳозир синглиси эшикдан кириб келади-гандек, дарвозага боқарди. Бу сўнги илинж, соғинч азоби эканини эканини англаб еттипман.

Зикр қилганларимиздан кўриниб турибдики, ватанни севиш ёки айримлар истеҳзо билан тилга оладиган сўз-ватанпарварлик, ибодат даража-сига кўтарилган соф ва асл исломий қадриятдир. Бундай сифатга эга бўлиш мўминнинг асосий хусусиятларидан биридир.

Шукурким, юртимиз мустақилликка эришиб, хорижга йўл очилди, узоқ айрилиқ туфайли “махкум”лик азобига дучор бўлган қалбларда умид куртаклари илдиз отди.

Тарих сабоқларидан маълумки, ҳар қандай эзгу ният, орзу ва мақсаднинг рўёбга чиқиши, аввало, Аллоҳ таборака ва таолонинг инояти ва жамиятдаги мустаҳкам тинчлик ва хотиржамликка боғлиқдир. Бу барча замонларда ўз исботини топган ҳақиқатдир.

Аввал, Афғонистоннинг Самонгон музофотида яшаган қариндошлар 1978 йил 27 апрелда “Савр инқилоби” амалга оширилиб, тузум ўзгаргандан сўнг, 1980 йилда Покистонга чиқиб, 1982 йилда Саудия Арабистонига кўчиб ўтишган экан.

Ўзбекистонлик мусулмонларга илк бор Ҳаж ва Умра зиёратига рухсат берилганда қариндошлар уларда ўз аждодлари тўғрисида суриштириб, сўнг излаб келишди, бу пайтда бувимни синглиси ҳаёт экан, соғлиги туфайли она юртига келолмади.

Аллоҳ инсонни халқ қилди. Ўзи ундан яратгани ва унга қайтарадигани ерга, заминга, она тупроққа муҳаббатни инсон фитратига қориштирди. Шайх Муҳаммад Ғаззолий айтадилар: “Башар ўз ерига, гарчи у тап-тақир саҳро бўлса ҳам қаттиқ боғланади. Ватанни севиш инсон руҳиятидаги асл табиатдир. Ушбу табиат ватанда яшашда ҳузур-ҳаловат, ундан узоқ бўлинганда соғинч, ҳужум қилинганда мудофаа ва камситилганда ғазаб ҳисларини пайдо қилади”[2].

Сир эмаски, ҳозир дунёнинг айрим мамлакатларида беқарорлик, террорчилик, нарқобизнес каби миллат танламас иллатлар халқаро хавфсизликка таҳдид солмоқда.

Ватан она каби азиз ва муқаррам у, инсонга бахт-иқбол берган заминдир. Абдулла Авлоний айтганидек: “Ҳар бир кишининг туғилиб ўсган шаҳар ва мамлакатини шул кишининг ватани дейилур. Ҳар ким туғилган, ўсган жойини жонидан ортиқ суяр... Биз туркистонликлар ўз ватанимизни жонимиздан ортиқ суйганимиз каби, араблар арабистонларини, қумлик иссиқ чўлларини, эскимуслар шимол тарафлар, энг совуқ қор ва музлик ерларни бошқа ерлардан зиёда суярлар. Агар суймасалар эди, ҳавоси яхши туронлик осон ерларга ўз ватанларини ташлаб ҳижрат қилурлар эди”[3].

Асосий қисм. Ўзбек миллати, бой ўтмиш тарих ва маданиятига эга бўлган халқдир, бу юрт жаҳон цивилизациясининг бешиги сифатида не –не аллома ва фозилларни тарбиялаган, аммо, уша вақтдаги сиёсий аҳвол, турли уруш ва қирғин баротлар туфайли ўз тарихий ватанини тарк этишга мажбур бўлганлар. Ёки диний жихатдан қараганда инсон тақдир ва қисмат олдида доимо ожизлик қилади.

Тақдир (араб.-олдиндан белгиланган ҳаёт йўли) , қисмат-инсон ҳаёти ва фаолиятини ҳамда оламдаги барча ҳодисаларни Аллоҳ иродасига боғлиқ деб ҳисобловчи диний тасаввур. Тақдирга ишониш барча динларда бор. Лекин уларнинг ҳар бирида ўзига хос

хусусиятлар билан талқин этилади. Ислонда расман эътироф этилган ақидалардан бири. Христианликда ва ислонда Тақдир худонинг азалий илми ва қудрати тарзида изоҳланади. Дунёвий жихатдан баҳолаганда эса ер шарида бирор бир миллат ёки халқ йўқки, социомаданий “ассимиляция ёки диссимиляция” ходисасига учрамаган, бўлсин.

“Ассимиляция” тушунчаси, тириликнинг энг асосий хусусияти бўлиб, ассимиляциядан организмнинг ўсиб, ривожланиши ва янгиланишида энергия манбаи вазифасини ўтаб, фойдали моддаларнинг тўпланишини таъминлайди. Тирик организмда уни ташкил этувчи қисмларнинг янгиланиб, парчаланиши эса “диссимиляция” ходисаси ҳисобланади. Маданиятшунослик фанида ассимиляция ва диссимиляция тушунчаси деганда маълум бир халқ, миллатнинг ўз тарихий маконида ўзаро бирдамликда истекомат қилиши, уларнинг этник маданиятини тараққий этишини маданий ассимиляция сифатида баҳолаш мумкин. Лекин, тақдир тақаззоси билан ўзга юртни макон тутганлар эса миллий ўзлик ва миллий маданиятини бой беришини эса маданий диссимиляцияга қийёсаш мумкин.

Тарихи деярли 3000 йилга тенг бўлган ўзбек халқи ўтмиш тарихига назар солсак, миллоддан аввалги 329-326 йилларда Александр Македонскийни Марказий Осиёни ишғол қилишидан бошланади.

Энг сўнгиси эса, 1918 йил баҳор-ёзидан Туркистон совет республикаси эълон қилинган кўплаб туб аҳоли вакиллари узоқ ва яқин хорижий мамлакатларга бош олиб кетишди [4]. Тарихдан маълумки, бирор-бир миллат бошқа бир миллатни хорла-моқчи бўлса, аввало унинг ватанини босиб олиб вайрон қилган ёки уларни ватанидан қувиб чиқарган. Ўз ватанини душманлар қўлида қолганини кўрган миллатга бундан ортиқ хўрлик ва азоб йўқ

Уша даврларда рўй берган турли воқеа ва ҳодислар сабаб, ўз она юртидан айро тушган ўзбекларнинг аждодлари ҳаёти билан қизиқдик.

Ўзбеклар икки денгиз (Қора ва Ўрта ер денгизи) бўйида жойлашган подшоҳлик, султонларининг доимий эътиборида бўлишган. Аслида аксарият, султонларнинг келиб чиқиши қипчоқ(ўзбек)лар диёридан эди. Масалан, Миср султони Зоҳир Бейбарс ўзбеклар билан иттифоқ тузишга интиларди. 1261-1263 йиллари Барақа Хон билан ўзаро бордикелди ва совға-салом юборишни йўлга қўйган эди.

Аббосийлар халифалиги даврида асли бухоролик Аҳмад ибн Тулун оиласи Мисрда мустақил давлат барпо этиб, 868 (254 ҳижрий) йили Тулуния давлатига асос солган ва бу оила Мисрда ўттиз саккиз йил ҳукмронлик қилди. Бу йиллар, Миср тарихида ёрқин из қолдирган давр ҳисобланади. Ибн Тулун ўткир сиёсатчи, моҳир раҳбар, ҳарбий соҳада ҳам билимдон мутахассис эди. У бошқарган йиллар Мисрда тинчлик ва осойишталик барқарор бўлиб, одамлар хотиржам ва тўқ ҳаёт кечиришди.

Усманийлар даври архив ҳужжатларида Қоҳирадаги Ўзбек такя (маҳалла)сида Ўрта Осиёдан келган барча ўзбекларни яхши кутиб олгани тўғрисида ёзма қайдлар бор. Усманийлар давлати уларга Султонлар вақфи (махсус ҳисоби)дан инфоқ-эҳсонлар қилган, маҳаллаларини ободонлаш-тириш ва тузатишга алоҳида эътибор қаратган, у ерда яшовчиларнинг озиқ-овқати ва илм олишлари учун етарли маблағ ажратган, уларнинг эҳтиёжига кўра китоблар чоп этишга рухсат берган.

Қоҳиранинг Дарбул Аҳмар маҳалласи Мағрибийлар кўчасида жойлашган жомеъ масжид бузилиб кетган бўлса-да, унинг дарвозаси сақланиб қолган. Сайфиддин Ўзбек Юсуфий барпо этган “Ўзбек истироҳат боғи” ҳозир ҳам қоҳираликларнинг севимли масканидир [5]. Ҳозир ҳам Қоҳирада бир қанча ўзбек оилалари яшайди. Шошлик, бухоролик, фарғоналик ва тарозлик оилалар бор, улар юртлари номига нисбат берилган исмларини ҳамон сақлаб келишяпти.

Фаластин маркази-Қуддуси шарифнинг эски шаҳар қисмида, Масжидул Ақсонинг ҳовлисига тутшиб кетган кичик бир ҳудуд, XVI асрдан бери ўзбекларга қарашли эканлиги айтиладиган бир даргоҳ бор. У ерда ҳозир бир мақбара, кичик музей, кутубхона ва тўрта кичик хонадан иборат тарихий ёдгорлик сифатида сақланмоқда. Бу атрофда бир неча асрлардан бери оз сонли ўзбек оилалар яшайди, улар тарихий ватанлари Ўзбекистон эканини айтишади. Маҳаллий халқ орасида бу жой “ал-Завия ал-Ўзбекия” номи билан маълум [6].

Собиқ Иттифоқ даврида тақдир тақазоси билан ватандан йироқ бўлган инсонларга нисбатан айрича қараш шаклланган эди. Эндиликда шу каби эскича қараш ва хато фикрларга барҳам бериш мақсадида “Ватандошлар” жамоат фонди ташкил этилди. Мустақиллик берган инсон эрки туфайли, дунёнинг 100 га яқин мамлакатларида истиқомат қилаётган 10 миллиондан ортиқ ватандошлар томонидан ташкил этилган 170 дан ортиқ маданий марказлар билан алоқалар йўлга қўйилади.

Тарихчи олим, профессор Шодмон Ҳайитовнинг илмий хулосаларига кўра, ўрта осиеликларнинг муҳожирлик тарихи 1917 йилдан 1945 йилгача бўлган даврни қамраб олади. Октябрь инқилобидан сўнг аввал мулкӣ ва кейинчалик эса мафкуравий зиддиятлар сабаб, миллионлаб Ўрта осиеликлар ўз Она Ватанини тарк этган [7].

Жумладан, Эроннинг шимоли-шарқида маҳаллий форслар “Туркман-Саҳра” деб номловчи кенглик бор. Бу ердаги ўндан ортиқ шаҳар ва юзлаб қишлоқларда Ўрта осиелик туркий халқлар, жумладан, туркман, қозоқ ва жуда оз сонли ўзбек ҳамда қорақалпоқлар яшайди. Маълумотларга кўра, Эрон аҳолисининг тахминан 25 фоизини туркий халқлар ташкил қилади.

Улар орасида энг кўп сонлиси туркманлар бўлиб, уларнинг сони 2,5 миллиондан 3 миллионгача етади. Учинчи гуруҳ авшар, хажар, қорақалпоқ, қозоқ ва ўзбеклардан иборат туркий халқлар яшайди [8].

Совет ҳукуматининг сиёсати ва мафкуравий қарашларини қабул қилмаган ўзбеклар иккинчи ватан сифатида аввал Афғонистон, Хитой (Шарқий Туркистон) ва Эрон давлатларини танлашган. Бироқ у ерларда ҳам тинч ҳаётга эриша олмагани сабаб, иккинчи маротаба муҳожирликка юзланди. Саудия Арабистони, Туркия, АҚШ ва Европа давлатларига тарқалиб кетган. Тарихий маданий, шунингдек, жўғрофий яқинлик туфайли 1925-1930 йилларда туркман, қозоқ ва ўзбекларнинг кўп сонли жамоалари Афғонистон ва Эроннинг чегара ҳудудларига бориб жойлашган.

Туркиянинг Сурия билан чегарадош узоқ Ҳатай вилоятининг Ўвакент қишлоғида ҳам 6 мингга яқин ўзбеклар истиқомад қилади. Аммо, бу ўзбекларнинг аждодлари Ўзбекистонни кеча ёки бугун эмас, XX асрнинг биринчи ярмида тарк этишган. Улар, ватандан йироқда мусофирликда дунёга келганлар, Она Ватан ҳақида кекса

авлодларидан эшитишган аммо, ҳеч қачон кўришмаган. Лекин, улар ҳали ҳануз Ўзбекистонни ўз ватан деб билишади, ота макон тўғрисида Туркиянинг “Осиё” радиоси ва хорижий радио эшиттиришлардан бохабар бўлишади.

Ватандан йироқда бўлган миллатдошларимиз, имкон қадар ўз авлодига миллий қадрият, урф-одат ва анъаналаримизни оғзаки тарзда ўқтириш ва сақлашга ҳаракат қилишади. Чунки улар, ўзбек тилини оила даврасида эшитиб ўрганишиб, қаерда яшасалар уша худуд тилида савод чиқаришади, улар “Алпомиш”, “Тўрўғли” ва “Кунтуғмиш” достонини эшитган аммо гоҳида “Асли ва Карим” каби достонлар билан янглиштиради. Вақти қазода ҳам юрт соғинчи ва армони билан риҳлат қилган аجدодларини тез-тез ёдга олишади. Шу боис бўлса керак, улар ота маскани Европанинг Париж, Рим ва Лондон каби кўҳна ҳамда ҳаммиша навқирон шаҳаридан ҳам устивор қўйишларини эшитиб, шоир Муҳаммад Юсуфнинг қўйидаги ўлмас ва бетак-роп сатрлари дилдан кечади.

Шодон куним гул отган сен,

Чечак отган изимга,

Нолон куним юпатган сен,

Юзинг босиб юзимга.

Синглим дейми,

Онам дейми,

Ҳамдарду ҳамхонам дейми,

Офтобдан ҳам ўзинг меҳри-

Илиғимсан, Ватаним.

Ким Қашқарни қилди макон,

Ким Энасой томонда,

Жалолиддин - Курдистонда,

Бобуринг- Ҳиндистонда,

Бу қандай юз қаролиғ деб,

Ётарлар зимистонда,

Тарқаб кетган тўқсон олти

Уруғимсан, Ватаним...

Қарорда “Ватандошлар” фонди олдида бир қатор вазифалар қўйилган. Жумладан, хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар ва улар томонидан тузилган жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва ривожлантириш.

Хорижда ўзбек тили, маданияти ва анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга қаратилган фаолиятни қўллаб-қувватлашга қаратилган бандлар ўрин олган. Аввало, ушбу қарорнинг мазмун ва моҳиятини халқи-мизнинг ўзи чуқур англаб етиб, улар тўғрисида ижобий қарашларини бойитиш лозим бўлади.

Хулоса ўрнида. Инсон учун ватан ягонадир. Ватаннинг катта-кичиги ҳам, бой-камбағали ҳам бўлмайди. Ватан танланмайди. Ватан бизнинг молимиз эмас. Шунинг учун ҳам у пулга сотилмайди ва сотиб олинмайди. Ватан инъом этилмайди, қарзга берилмайди. Ватан ҳар бир фуқаро учун муқаддас ва бетакрордир. Инсон учун на давлат ва салтанат, на тожу тахт, ҳеч бир нарса Ватанга, эл-юрт меҳрига тенг келолмайди. Ватандан жудолик - инсон учун катта бахтсизликдир.

“Тарихи Муҳаммадий” ва “Туркистон қайғуси” асари муаллифи, Вамберининг “Бухоро ёки Мовароуннаҳр тарихи” ва “Темур тузуклари” каби асарларни таржима қилган Алихон тўра Соғуний ҳам ҳаётининг аксарият қисмини мусофирлик хасратида ўтказган эди. Буюк аллома Алихон тўра Соғуний ҳазратларининг қуйидаги сўзида она-Ватанини севувчи садоқатли ҳар бир кишининг қалбида ғайрат ва шижоат уйғотади: “Ҳар бир инсонга маълумдурки, дунё ҳаётида инсоннинг энг севган, қадрли, қимматли тўрт нарса бордир. Бу тўрт нарсага эга бўлмаган кишилар чин инсонлик шарафидан маҳрум бўладилар. Улар озодлик ва эркинлик, меҳнат билан топилган бойликка ўзи эгаллик қилиш, туғилиб ўсган она-Ватани ва асрлар бўйи эътиқод қилиб келган муқаддас динидир”.

Инсон истаган жойда бир парча нонга қорнини тўйғазиши мумкин. Лекин Ватаннинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди. Ватанда яшаш ҳақиқий бахтдир.

АДАБИЁТ

1. “Ватандошлар” жамоат фондиди ташкил этиш тўғрисида“ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 11.08.2021 йилдаги ПҚ-5220-сонли қарор.
2. Ғаззолий Абу Ҳамид Муҳаммад: “Охиратнома”. Бухоро, 1992
3. Авлоний А., Танланган асарлар. 2 жилдлик. Пандлар, ибратлар, ҳикоятлар, мақолалар, саёҳат хотиралари. –Т.: “Маънавият”, 2006.
4. Зикриллаев М., Тарихнинг очилмаган саҳифаси: “Қадимчилар” кимлар? . UzAnalitics
5. Раҳимов К. “Ҳидоят сари” ж.-Т.: 2008, № 5, -33-35 бет.
6. 6.Икромов Ш. Ўрта осиеликларнинг муҳожирлик тарихига назар. mahbantour.com.
7. Ҳайитов Ш.А. XX аср ўзбек муҳожирлиги тарихи. т.ф.д. даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т.: 2009. С. 32-33.
8. Шамсутдинов Р. “Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаш-тириш, сургун Ўрта Осие республикалари мисолида. –Т.: Шарқ 2003. 33 бет.
9. Holmirzayev X.D. Duniyolarga tarqab ketgan to_qson olti urug_imsan... TDPU Ilmiy axborotlari. 2021. № 8.-Б. 141.-146.
10. Türel Yilmaz. Iran'da unutulmuş bir toplum: Türkmen sahra Türkmenleri. Akademik Orta Dogu . 2007, Vol. 1 Issue 2, p205-216. 12p.